

9-10-2019

PICTURES OF EARLY CLASS STUDENTS DETERMINATION ELECTRONIC PROGRAM AND USE METHODY

О. П. Аслонова

Lecturer at the Department of "Primary Education" KarSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Аслонова, О. П. (2019) "PICTURES OF EARLY CLASS STUDENTS DETERMINATION ELECTRONIC PROGRAM AND USE METHODY," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 6 , Article 66.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/66>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

PICTURES OF EARLY CLASS STUDENTS DETERMINATION ELECTRONIC PROGRAM AND USE METHODY

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАФАККУР ТЕЗЛИГИНИ
АНИҚЛАШ ЭЛЕКТРОН ДАСТУРИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДИКАСИ**

Аслонова О.П.

Қарши ДУ «Бошланғич таълим» кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация:** Мақолада бошланғич синф ўқувчилари тафаккур тезлигини шакллантиришнинг махсус электрон дастури ҳақида фикр билдирилган. Шунингдек, мазкур дастурнинг номланиши ва фойдаланиш методикаси ҳам келтирилган. Дастур бошланғич синф ўқувчиларига мослаштирилган бўлиб, тафаккур тезлигини шакллантиришда аҳамиятли эканлиги айтиб ўтилган.*

***Таянч сўзлар:** тафаккур тезлиги, Borland Delphi7, дастурий восита, электрон дастур, компонента, мезон, йўриқнома, техник-дидактик.*

***Аннотация:** В этой статье дает представление о специальной электронной программе для мышления учеников. Программа также включает названия и использование программы. Программа адаптирована для учеников начальной школы, и уже упоминалось, что важно формировать мышление.*

***Ключевые слова:** скорость мышления, Borland Delphi7, программных средств, электронная программа, критерий, описания, техническо-дидактический.*

***Abstract:** The article gives an idea of a special electronic program for the thinking of students. The program also includes the names and uses of the program. The program is adapted for elementary school students, and it has already been mentioned that it is important to shape the thinking.*

***Key words:** speed of thinking, Borland Delphi7, software tools, electronic program, criterion, descriptions, technical-didactic.*

Жаҳон миқийёсида замонавий фан ютуқлари, илмий кашфиётлар ижодий, эркин, танқидий, мустақил тафаккур натижаларига эҳтиёж ортиб боришини кўрсатмоқда. Лекин, бу масаланинг бир томонидир. Ушбу масаланинг энг муҳим томони эса глобаллашув шароитида дунё майдонига чиқиш учун тафаккурнинг тезлигини шакллантириш, тез ва фаол фикрлайдиган авлодни тарбиялаш ниҳоятда долзарб масала. Чунки, бугунги цивилизацияда ахборот жамиятнинг плюралистик (сохта фалсафий таълимот) фикрларни ўзида тўлақонли ифодаловчи ягона тармоқ бўлган интернет орқали кишиларнинг дунёвий хабардорлиги кенгайтирувчи фаолияти ортиб бормоқда. Бу эса тезкорлик билан фикрлашга, аниқ хулосалар чиқаришга бўлган талабни кучайтиради. Тезкорлик билан тафаккур юритилмаса, муайян муаммолар гирдобиди қолиш эҳтимоли юқори бўлади.


Тафаккур тезлигини шакллантириш бўйича бир қатор методикалар мавжуд бўлиб, таълим жараёнида оқилна фойдаланиш ижобий натижалар беради. Лекин бу муаммони ечими эмаслигини таъкидлаш лозим. Бунинг учун электрон дастурлар яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур тезлигини аниқлаш бўйича бирор электрон дастур яратишда камчиликлар мавжудлиги сабабли ўқувчилар тафаккур тезлигини аниқлаш учун объектга йўналтирилган Borland Delphi7 дастурлаш тилида махсус педагогик дастурий восита яратилди. Дастур барча бошланғич синф ўқитувчилари учун аҳамиятли бўлиб, ўқувчиларнинг тафаккур тезлигини шакллантиришга хизмат қилади.

Дастур “Бошланғич синф ўқувчилари тафаккур тезлигини синовдан ўтказиш дастури” деб номланиб, қуйидаги ойналардан иборат: йўриқнома, тавсиялар, натижа нусхасини чоп этиш, дастур ҳақида умумий маълумотлар ҳамда дастурдан чиқиш (1-расм).

Дастурдан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Дастурга кириб, йўриқнома билан танишиб чиқилади. Йўриқномада дастурнинг мақсади, қўлланиш соҳаси ҳақида умумий маълумотлар берилган.
2. Тавсиялар ойнасида дастурининг педагогик-психологик ҳамда методик жиҳатлари ёритиб берилган.



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг тафаккур тезлигини синовдан ўтказиш электрон дастури

1-саволлар сонини киритиш, 2-вақт интервали, 3-тўғри жавоблар сони, 4-нотўғри жавоблар сони, 5-жавоб берилмаган (берилган вақтда улгурмаган) саволлар сони, 6-

жами кетган вақт, 7-ўзлаштириш кўрсаткичи, 8-графикларни ҳосил қилучи тугмача, 9-график ойна, 10-график танлама, 11-жадвал катталиклар.

Ушбу педагогик дастурий воситани ишлаб чиқишда дастурлаш тилининг техник-дидактик имкониятидан фойдаланиб қуйидаги дастур кодлари киритилган:

<pre> Var Form1: TForm1; c,d,f,z,q,a,b,i,j,sum:integer; u:real; time:byte; implementation uses Unit2, Unit3, Unit4, Unit5, Unit6; {\$R *.dfm} function max(a,b:integer):integer; begin if a>=b then max:=a else max:=b; end; function min(a,b:integer):integer; begin if a>=b then min:=b else min:=a; end; procedure TForm1.setValues(); begin RANDOMIZE; if RANDOM(2)=0 then begin Label1.Caption:='+'; Edit1.Text:=IntToStr(RANDOM(100)+1); Edit2.Text:=IntToStr(random(100- StrToInt(Edit1.Text))+1); end else begin Label1.Caption:='-'; a:=random(100)+1; b:=random(100)+1; Edit1.Text:=IntToStr(max(a,b)); Edit2.Text:=IntToStr(min(a,b)); end; time:=10; end; </pre>	<pre> b:=StrToInt(Edit2.Text); if Label1.Caption='+' then if (Edit3.text='') then z:=z+1 else if((a+b)=StrToInt(Edit3.Text)) then begin c:=c+1; Label7.Caption:='Javob to"g"ri!'; end else begin d:=d+1; Label7.Caption:='Javob noto"g"ri! To"g"ri javob '+IntToStr(a+b); end else if (Edit3.text='') then z:=z+1 else if ((a - b)=StrToInt(Edit3.Text)) then begin c:=c+1; Label7.Caption:='Javob to"g"ri!'; end else begin d:=d+1; Label7.Caption:='Javob noto"g"ri! To"g"ri javob '+IntToStr(a - b); end; end; procedure TForm1.Timer2Timer(Sender: TObject); begin Edit6Click(sender); if time=0 then begin Button3.Click; time:=10; end; </pre>
--	---

<pre>procedure TForm1.Button3Click(Sender: TObject); var a,b:integer; begin a:=StrToInt(Edit1.Text);</pre>	<pre>end; procedure TForm1.Edit6Click(Sender: TObject); begin time:=time-1; Edit6.Text:=IntToStr(time); end; end.</pre>
--	--

Хусусан, дастурдан фойдаланишнинг педагогик жиҳатлари- ўқувчининг таълим-тарбия жараёнида тақдим этиладиган билимларни ўзлаштирилишида шахсан иштирокини таъминлаш ҳамда тафаккурини ривожлантириш таълим-тарбия тенденцияларида педагоглар олдига қўйилган энг муҳим вазифа сифатида эътироф этилади. Таълим-тарбия жараёнида тафаккур тезлигини ривожлантиришдан мақсад - ўқувчиларнинг маънавий дунёқараши, билими, интеллектуал салоҳиятини бойитиш, ҳозирги тез ривожланаётган замонга мос равишда тафаккурини шакллантириш, эртанги кунда ёш авлодни ҳам буюк аждодларимиз сингари илму-фан, маънавиятли ва маърифатли, етук шахс қилиб тарбиялашга эришиш. Тафаккур тезлигини ривожлантириш - мураккаб педагогик жараён бўлиб, унда инсоннинг янги ҳолатга ёки муаммога тез ва тўғри баҳо бера олиши, мослашиши, ўйлаши ва тўғри ечимни қисқа вақт давомида қабул қила олиш қобилияти ривожлантирилади.

Бошланғич синф ўқувчиси тафаккурининг мажмуавий ривожланиши бир неча йўналишда боради: тафаккурнинг воситаси сифатида ўзлаштириш ва нутқдан фаол фойдаланиш; бир-бирини бойитувчи: кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образли ва сўзли-мантиқли каби тафаккурнинг барча кўринишларини бирлаштириш; интеллектуал жараёнда нисбатан мустақил равишда ривожланувчи иккита - тайёргарлик кўриш ва ижро этиш босқичини ажратиш.

Маълумки, тафаккури тез инсонлар (маълумотларни тез қабул қиладилар, қайта ишлайдилар, эслаб қоладилар, амалиётга тадбиқ этадилар, турли топшириқларни бажарадилар ва бошқалар) иложи борича муаммоли ҳолатларга тез жавоб топадилар. Ишончимиз комилки, тафаккур тезлигимизни ошириш ҳаёт фаолиятимиз учун жуда муҳимдир. Тафаккур тезлигига нафақат нутқ тезлиги таъсир кўрсатади, балки бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин, бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни тафаккур тезлигини болалик чоғлариданоқ шакллантириш ва ривожлантириш имкони мавжудлигига ишончимиз комил. Бунинг учун ишлаб чиқилган педагогик дастурий воситадан фойдаланиш тавсия этилади.

Методик йўриқнома: саволларга тезкорлик ва тартиб билан жавоб беринг. Имкон қадар чуқур мулоҳаза қилган ҳолда жиддий ёндашинг. Саволларга олдиндан қарашнинг имкони йўқ. Диққатингизни саволларга жавоб қайтаришга қаратинг

ҳолос. Чунки, ҳар бир саволга жавоб бериш учун сизда атига 10 сония вақт мавжуд. Кимдандир ёрдам олишга ҳаракат қилмаслиги зарур.

Саволларга берилган жавоблар натижаси 4 та мезон асосида баҳоланади.

1-мезон: берилган саволларнинг 80-100% ига белгиланган вақт оралиғида жавоб берса билим ўзлаштириш ва тафаккур тезлиги ривожланган ҳисобланади.

Бунда ўқувчилар тафаккур тезлиги кўникмалари шаклланган, у шароитга тез мослашиб, савол моҳиятини бир-биридан тез фарқлай олади.

2-мезон: берилган саволларнинг 70-80%ига белгиланган вақт оралиғида жавоб берса, ўқувчининг ўзлаштириши ва тафаккур тезлиги ўртача ривожланган ҳисобланади.

Бунда ўқувчиларнинг тафаккур тезлиги кўникмаларини шаклланганлик даражаси яхши, шароитга мослаша олади, савол моҳиятини бир-биридан фарқлаш кўникмалари мавжуд, одатий вазиятларда билимларини намоён эта олади.

3- мезон: агар ўқувчи берилган саволларнинг 50%ига белгиланган вақт оралиғида жавоб берса билим ўзлаштириш ва тафаккур тезлиги ўртачадан паст ривожланган ҳисобланади.

Бунда ўқувчиларнинг тафаккур тезлиги кўникмаларини шаклланганлик даражаси талаб даражасидан паст, шароитга мослаша олишга қийналади, савол моҳиятини бир-биридан фарқлаш кўникмалари яхши ривожланмаган, одатий вазиятларда ҳам билимларини намоён этишда қийналади ва ўқитувчи кўмагида намоён эта олади.

4-мезон: агар ўқувчи белгиланган вақт оралиғида берилган саволларга 50%дан кам жавоб топса билим ўзлаштириши ва тафаккур тезлиги ривожланмаган ҳисобланади. Бунда ўқувчиларнинг тафаккур тезлиги кўникмаларини шаклланганлик даражаси мақсадга мувофиқ эмас.

Дастурни ишлатишда биринчи навбатда саволлар сонини киритинг бўлимига кириш талаб этилади (саволлар сонини танлаш ихтиёрий). Саволлар сонини киритиб, ОК тугмаси босилади. Ҳар бир саволга 10 сония вақт берилади. Дастур ойнасида эса берилган саволга жавоб беришда кетган вақтни кўрсатувчи компонента мавжуд. Шунингдек, дастур ойнасида “тўғри жавоб”, “нотўғри жавоб”, “жавоб берилмаган”, “жами кетган вақт”, “ўзлаштириш кўрсаткичи” каби дастур тугмалари берилган.

Саволларга жавоб бериб бўлгач, графиклар бўлимига кириб, ўзлаштириш кўрсаткичинини билиб олиш мумкин. Графиклар бўлимида “нотўғри жавоб”(қизил ранг), “тўғри жавоб”(кўк ранг), “вақт”(қора ранг), “жавоб йўқ” (яшил ранг) ларда ифодаланган. Бунда ўқувчи тафаккур тезлиги ҳақидаги маълумотлар кўрғазмалилик асосида яққол кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур дастурдан фойдаланишда самарали натижага эришиш учун тизимли ва изчиллик тамоилига амал қилиш талаб этилади. Шундагина ўқувчи тафаккур тезлигини шакллантиришда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

References:

1. Bejanova I.YU. Delphi7 samouchitel programmista. Moskva, 2003.
2. Kandzyuba S.P. i dr. Delphi6/7 leksiya i uprajneniya. Kiev, 2004.
3. Ne'matova G. Ijodiy tafakkurni rivojlantirish texnologiyasi va o'quvchining mustaqil faoliyati. – T.: RTM, 2001. – 24b.
4. Turaev S.J., Aslonova O.P. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining tafakkur tezligini sinovdan o'tkazish elektron dasturi. №DGU-05778. Intellektual mulk agentligi. Toshkent-2018.
5. Fayziev M.A. Talabalarning bilim va ko'nikmalarini kompyuter imitatsion modeli asosida shakllantirish metodikasi. Ped. fan. nom. diss. avtoreferati. - T.: 2008, - 22 b.
6. www.thedelphi.ru